



**ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИ
(1991-2016й.й)**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.59.61.045>

*Умида Ахмедова Марипжановна,
ассистенти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институти. Андижон, Ўзбекистон*

Аннотация. Ўзбекистон Республикасининг Мустақилликка эришигандан сўнг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги жиiddий ўзгаришилар бўлиб ўтди. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантиришидир. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг асосий йўналишларидан бири қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши бўйича Фаргона водийсида олиб борилган ишлар ҳамда йўналишини ривожлантириши мақсадида замонавий агротехнологияларни жорий этиши, иши унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиши масалалари келтирилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, меҳнат қуроллари, меҳнат қуроллари, моддий техника, илгор технологиялар, трактор.

**ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА
ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ
(1991 -2016гг.)**

*Умида Ахмедова Марипжановна
ассистент Андижанский институт сельского хозяйства и
агротехнологий. Андижан, Узбекистан*

Аннотация. После обретения независимости Республики Узбекистан произошли серьезные изменения в сфере сельского хозяйства. Одним из важных направлений проводимых в Узбекистане реформ является дальнейшее развитие сельскохозяйственной сферы. Одним из основных направлений в сфере сельского хозяйства являются работы, проводимые в Ферганской долине по механизации сельского хозяйства, а также вопросы внедрения современных агротехнологий, широкого использования высокопродуктивной сельскохозяйственной техники в целях развития этого направления.

Ключевые слова: сельское хозяйство, земледелие, орудия труда, материальная техника, передовые технологии, трактор.

HISTORY OF FERGAA VALLEY AGRICULTURAL DEVELOPMENT (1991-2016y.y)

Umida Akhmedova Maripjanovna
Assistant, Andijan Institute of Agriculture and agrotechnologies
Andijan, Uzbekistan

Abstract. After the independence of the Republic of Uzbekistan, serious changes took place in the field of Agriculture. One of the important directions of reforms carried out in Uzbekistan is the further development of the agricultural sector. One of the main directions of the agricultural sector is the work carried out in the Fergana Valley on the development of agriculture, as well as the introduction of modern agrotechnologies for the purpose of development of the direction, the wide use of agricultural techniques with high work output.

Keywords: agriculture, farming, labor weapons, labor weapons, material equipment, advanced technology, tractor.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг қишлоқ хўжалиги соҳасида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакатимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хом-ашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан биридир.

Бизга маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳаси-дехқончилик инсониятнинг энг қадимги хўжалик машғулот турларидан бири бўлгани учун, дехқончилик учун ишлатиладиган меҳнат қуроллари асосий вазифани бажаради. Дехқончилик инсониятнинг энг қадимги хўжалик машғулотларидан бири бўлгани боис, қадимдан дехқончилик учун зарур бўладиган меҳнат қуроллари муҳим аҳамият касб этади.

Инсоният тарихига назар солар эканмиз, ҳар бир даврда дехқончилик қилиш учун қулаги меҳнат қуроллари ишлаб чиқилганига гувоҳ бўламиз. Ибтидоий жамоа тузумининг Неолит даврида мотига (кетмон)нинг ихтиро қилиниши ана шу давр учун энг муҳим янгиликлардан бири бўлди. Ибтидоий тузумда Темир даврининг кириб келиши билан темирдан ясалган омоч, кетмон, белкурак ва бошқа меҳнат қуроллари анча кенг майдонларни ҳайдаш, тўғонлар куриш, канал ва ариқлар қазиб сув чиқариш имконини беради. Булар дехқончиликнинг юксалишига олиб келади [1, Б.40].

Археологик материаллар далолат беришича, Фарғона водийсида ҳам дехқончилик меҳнат қуроллари дехқончилик билан бир вақтда пайдо бўлган. Ушбу меҳнат қуроллари асрлар оша тараққий этиб борди. Маълумки, дастлаб тошдан ёниб ишланган меҳнат қуроллари пайдо бўлган. Кейинчалик тараққиёт натижасида чўяндан сўнгра

темирдан ишланган меҳнат қуроллари яратилган. Дехқончиликда кенг қўлланилган меҳнат қуроллари омоч, белкурак, ўрок, ва бошқа меҳнат қуроллари орқали қундалик юмушлар бажарилган. Бизга маълумки, вактлар ўтиши билан меҳнат қуролларининг такомиллашиб бориши билан ишунуми, самарадорлиги ошади. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори унумдорликка, ҳосилдорликка эришиш албатта юқори даражадаги техника-механизмларга боғлиқdir. Қишлоқ хўжалиги жарабёнларида механизациялашнинг жорий этилиши дехқончиликда бир қатор имкониятлар яратиб бермоқда.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини механизациялаштириш халқ фаровонлигини оширишда энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш ва қўллашга алоҳида эътибор каратилмокда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, “қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация обьектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш” [2 Б.222] вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 10 майдаги ПҚ-3712-сон қарори ҳамда, 2019 йил 4 апрель куни “Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги соҳасини замонавий моддий техникалар билан таъминлаш асосий вазифалардан бири эканлигидан далолатдир.

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича янги техника ва технологияларни жорий этилиши соҳада ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда.

Глобаллашган жамият таракқиётининг ҳозирги босқичи ўзининг ривожланган техника ва технологиялар асри дея таърифланади. Ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳаларида, инсон фаолиятининг барча соҳаларида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда, саноат корхоналарида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишида, қурилиш майдонларида, улкан ирригация ва мелиорация тадбирларида фойдаланилаётган янги такомиллашган энергоресурсстежкамкор технологиялар ва уларни амалга оширувчи техник қурилмалар ҳозирги куннинг талаб даражасидан келиб чиқсан ҳолда қўлланилиб

келинмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти бекиёсdir. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигидаги фойдаланиб келинаётган ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Шунингдек, бундай техникаларнинг иш унуми, ёқилғи сарфлаш меъёри замонавий талабларга жавоб бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннархи ошиб кетмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурс тежайдиган техникаларни жалб этиш, бу борада аввало чет элнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этилади. Жумладан, Германиянинг “Класс” компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мустақилликдан кейин Андижон вилоятида ҳам қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Натижада 1991-2016 йилларда 83 та ҳайдов трактори, 259 та чопиқ трактори, 127 та юк ташувчи трактор, 26 та мини трактор, 47 та плуг, 394 та пуркагич, 293 та прицеп, 354 та культиватор, 78 та комбайн, 2 та экскаватор ва бошқа юқори унумли техникалар харид қилинди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги жараёнларида механизациялашнинг тўғри ташкил этилганидан далолатdir. [3]

Қишлоқ хўжалигини механизациялашириш ишлари бўйича ўтган давр оралиғида Наманган вилоятида ҳам самарали ишлар олиб борилди. Қишлоқ хўжалиги техникаларини ривожлантириш бўйича вилоятга 1991-2016 йиллар оралиғида 12360 та техника харид қилинган бўлиб, ҳайдов тракторлари 393 та, чопиқ трактори 1613 та, мини трактор 54 та, транспорт трактори 904 та, ғалла комбайн 267 та, озуқа ўриш комбайнни 26 та, пахта териш машинаси 44 та, трактор тиркамаси 1236 та, чигит экиш сеялкаси 622 та, дон экиш сеялкаси 42 та, культиваторлар 1253 та, чизел 286 та, омоч 345 та, ер текислагич 225 та, пуркагич 626 та, мелиоратив техникалар 118 та, тишли борона 3072 тани ташкил қиласди. [4]

Республика қишлоқ хўжалигидаги интенсив равишда самарадорликка эришиш борасида Республика ҳукумати томонидан туб ижобий чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса кластер тизимини жорий этилиши энг муҳим омиллардан бири бўлди. Зеро қишлоқ хўжалигини саноат билан уйғунликда ривожлантириш, илгор хорижий технологиилар, техника ва механизмларни қўллаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёр маҳсулотларни тайёр маҳсулот сифатида ички ва ташки ғозорда реализация қилишга эришилади. Бу мақсадларда 2021 йилда Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 600 млн. Доллар маблағларни ажратилиши фикримизнинг далилидир.[5,Б.3.]



Хулоса қилиб айтиш лозимки, Республика нинг ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларида ривожлантиришда, айниқса глобаллашув, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини ижобий ҳал этилишида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти ортиб бораётган бир шароитда унинг иқтисодий тараққиётида механизациялаш муҳим омиллардан биридир. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги маълум маънода маамлакатимизда шаклланган юқори унумли техника ва технологияларни ўзида акс эттиради. Чунки экинлар ҳосилдорлигига мавжуд омиллар, шарт-шароитлар таъсир кўрсатади. Унинг асосида қишлоқ хўжалигини юритиш тизими техника ва илғор технологиялар билан чамбарчас боғлиқдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.
2. Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. - Тошкент.: Шарқ, 2019.
3. Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бўлимининг жорий архиви жамғармаси материалларидан.
4. Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бўлимининг жорий архиви жамғармаси материалларидан.
5. Халқ сўзи газетаси, 2020йил 30 декабр № 276.